O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2006 йил 12 июль ЧОРШАНБА ● № 54 (11.857)

1928 йил 11 декабрда асос солинган ● Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ● Эркин нархда сотилади

## Олмалиқ шаҳри:
## НУРЛИ МАНЗИЛЛАРНИ КЎЗЛАГАН КАРВОН
### 1. ЎЗИ ҲАМ, ИШИ ҲАМ ЙИРИК

**Олмалиқ деганда ўзининг турли-туман маъданларга бой конлари, кон-металлургия соҳасининг яхши ривожланган қатор ишлаб чиқариш корхоналари билан республикада алоҳида ажралиб турадиган, ўзига яраша иқтисодий-ижтимоий салоҳиятга эга бўлган йирик саноат шаҳри кўз олдимизга келади.**

Дарҳақиқат, Олмалиқ республика саноатининг бозор иқтисодиёти тамойиллари асосидаги ривожига, иқтисодий мустақиллигининг тобора мустаҳкамланиб боришига салмоқли ҳисса қўшаётган шаҳарлардан биридир. Унинг Тошкент вилоятининг таркибий тузилмаларидан бири сифатида ташкил топганига 55 йил бўлди. Шу йиллар давомида Олмалиқ жўғрофий жиҳатдан ҳам, ишлаб чиқариш кўлами жиҳатидан ҳам жадал ва барқарор ривожланиш йўлларини босиб ўтди.

Тарих учун қисқа ушбу даврнинг мустақилликда кечган кейинги 15 йили давомида шаҳарнинг иқтисодий-сиёсий, ижтимоий-маданий ҳаётида, айниқса, катта ўзгаришлар юз берди. Аниқроқ қилиб айтиладиган бўлса, мамлакат ҳаётининг ҳамма жабҳаларида истиқлол шарофати билан бошланган кенг кўламли ислоҳотларнинг самаралари бугун Олмалиқ шаҳри мисолида ҳам яққол кўзга ташланмоқда.

Далилларга мурожаат қилсак, ҳозирги кунга келиб шаҳар 10.767 квадрат километр кенгликдаги ҳудудни ўз ичига олган. Аҳоли сони 117.400 кишига етди. Шундан 37 мингдан зиёд киши халқ хўжалигининг турли соҳаларида меҳнат қилмоқда. Уларнинг асосий қисми, аниқроғи, 28.700 дан кўпроғи саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа соҳаларида муқим ижтимоий фойдали меҳнат билан банд. Меҳнатга яроқли аҳолининг қолган қисми халқ таълими, соғлиқни сақлаш, уй-жой коммунал хўжалиги, савдо, умумий овқатланиш ва маиший хизмат соҳаларида шаҳар хўжалигининг равнақига ҳисса қўшмоқда.

Олмалиқ республиканинг йирик саноат шаҳарларидан бири сифатида вилоят иқтисодий салоҳиятининг мустаҳкамланишига, ижтимоий-маданий соҳаларининг ислоҳотлар талаблари даражасида барқарор ривожланиб боришига салмоқли ҳисса қўшмоқда. Бугунги кунда шаҳарда жами 48 та, шундан 9 та йирик саноат корхоналари фаолият кўрсатмоқда. Жумладан, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг амалдаги самараси сифатида шаклланиб ва жадал ривожланиб бораётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари 39 тага етди.

Шаҳар саноат корхоналарининг салоҳиятини тасаввур этиш учун айтиш жоизки, эндиликда улар йилига 646.588 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга. Шунингдек, истеъмол моллари ишлаб чиқарувчи 6 та корхона ҳар йили 10 миллиард сўмлик атрофида маҳсулот етказиб бермоқда.

Олмалиқ — вилоятнинг транспорт тизими яхши ривожланган шаҳарларидан бири. Ҳозир жами 24 та транспорт корхонаси шаҳар хўжалиги ва аҳолисига хизмат кўрсатмоқда. Шулардан учтаси йўловчи ва иккитаси юк ташувчи, 19 таси эса кичик бизнес субъектлари тизимига кирувчи транспорт корхоналаридир. Шаҳар транспорт корхоналари йилига 2,5 миллиард сўм атрофида даромад олмоқда.

Мустақиллик йилларида шаҳар инфратузилмаси тизими барқарор ривожланди. Эндиликда 396 километр узунликдаги газ қувурлари тармоғи шаҳар аҳолисини табиий газ билан юз фоиз таъминлаш имконини бермоқда. Аҳолини тоза ичимлик сув билан таъминлаш даражаси бугунги кунга келиб 98,9 фоизга етказилди. Янги қурилиб фойдаланишга топширилаётган уй-жойлар ҳисобга олинмаганда, ичимлик сув таъминоти масаласи ҳам тўла ҳал этилмоқда дейиш мумкин.

## Мустақилликнинг 15 йиллигига








**СУРАТЛАРДА:** *Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг «Қалмоққир» участкасида иш жараёни; шаҳар марказининг бугунги кўриниши.*

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ФАРМОЙИШИ*

## Мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш учун фермер хўжаликларини замонавий ускуналар ва мини-технологиялар билан таъминлаш борасидаги таклифларни тайёрлаш бўйича Ишчи гуруҳини тузиш тўғрисида

Етиштирилган мева ва сабзавотлардан самарали фойдаланиш ҳамда нобудгарчиликларга йўл қўймаслик, фермер хўжаликлари ва агрофирмаларни замонавий ускуналар ва технологиялар билан жиҳозлаш, тез қайта созланадиган ихчам ишлаб чиқаришлар билан таъминлаш ҳисобидан уларни комплекс қайта ишлаш ва экспортга мўлжалланган маҳсулотлар ишлаб чиқариш мақсадида:

1. Мева ва сабзавотларни қайта ишлаш учун фермер хўжаликларини замонавий ускуналар ва мини-технологиялар билан таъминлаш ҳамда экспортга мўлжалланган маҳсулотлар ишлаб чиқариш борасидаги таклифларни тайёрлаш бўйича Ишчи гуруҳи иловага мувофиқ таркибда тузилсин.

2. Ишчи гуруҳ икки ой муддатда:

мутахассисларни жалб этган ҳолда мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича уларни ишлаб чиқарувчи ва етказиб берувчи жаҳонда пешқадам хорижий мамлакатлар (Германия, Венгрия, Италия ва бошқалар) етакчи компанияларининг замонавий ускуналари ва мини- технологияларини пухта ўрганиб чиқсин, уларнинг техник-иқтисодий тавсифини Ўзбекистон шароитида фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятлари ва рақобатбардош, экспортга мўлжалланган маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлаш бўйича қатъий талабларни ҳисобга олган ҳолда танқидий баҳоласин;

маҳаллий ва хорижий тижорат банклари ҳамда лизинг компаниялари билан биргаликда мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича улар билан фермер хўжаликлари ва агрофирмаларни таъминлаш учун тез қайта созланадиган ихчам замонавий технологик ускуналар харид қилиш шакллари ва Ўзбекистонга етказиб бериш механизмини ишлаб чиқсин;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят ва туманлар ҳокимликлари билан биргаликда, фермерлар манфаатларини ҳисобга олган ҳолда, туманлар бўйича мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлайдиган замонавий ускуналар, мини-технологиялар ва тез қайта созланадиган ишлаб чиқаришларнинг аниқ турларига бўлган талабни атрофлича ўрганиб чиқсин ҳамда улар билан фермер хўжаликларини, кичик корхоналар ва агрофирмаларни жиҳозлаш эҳтиёжларини аниқласин;

хорижий тажрибани ўрганиш асосида мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича харид қилинадиган хорижий ускуналар ва мини- технологияларга хизмат кўрсатувчи сервис тармоғини ташкил этиш, ходимларни мазкур ускуналардан фойдаланиш ва хизмат кўрсатишга ўқитиш юзасидан таклифлар тайёрласин.

3. Ишчи гуруҳ, олиб борилган ишлар асосида, фермер хўжаликлари ҳамда улар томонидан ташкил этилган агрофирмаларга мева ва сабзавотларни қайта ишловчи ҳамда экспортга мўлжалланган маҳсулот ишлаб чиқарадиган замонавий ускуналар, мини-технологиялар ва тез қайта созланадиган ихчам ишлаб чиқаришларни етказиб бериш ва таъминлаш бўйича аниқ таклифларни, мазкур вазифани янги мевалар, сабзавот ва узум етиштиришнинг янги мавсуми бошланишигача ҳал этишни назарда тутган ҳолда, 2006 йилнинг 1 сентябригача Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин.

4. Қуйидагилар:

Вазирлар Маҳкамасининг қишлоқ ва сув хўжалиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда истеъмол товарлари масалалари Комплекси зиммасига мазкур Фармойишнинг 2-бандида кўрсатиб ўтилган барча ишлар олиб борилишини мувофиқлаштириш вазифаси;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят ва туманлар ҳокимликлари зиммасига мазкур Фармойишнинг 2-бандида кўрсатиб ўтилган чора-тадбирларнинг сўзсиз бажарилиши учун жавобгарлик юклансин.

5. Ишчи гуруҳга ўз зиммасига юкланган вазифа ва функцияларни бажаришга вазирликлар, идоралар ва тадқиқот марказлари мутахассисларини жалб этиш, сифатли таклифлар тайёрлаш учун зарур маълумотларни сўраб олишга рухсат берилсин.

6. Мазкур фармойишнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри, 2006 йил 7 июль.

*Ғалла – 2006*

## ЭЛ-ЮРТ ХИРМОНИ ЮКСАЛАЁТИР

***Вилоятимиз ғаллакорлари қарийб 268000 тонна сара дон етказиб бериб, дастлабки довондан ўтдилар***

Ҳар йили айнан шу кезлар — элимизнинг бебаҳо ризқ-рўзи далаларда ўриб-янчилиб, омборларга тўкилаётганда Юртбошимизнинг «Яратганга минг шукрки, ўз нонимизга, ўз беминнат нонимизга эга бўлган шу кунларга ҳам етиб келдик», деган ғурурбахш сўзлари ёдга келади. Чунки, юртимизда Истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ, ғалла мустақиллигига эришиш, халқимизнинг тўкин-сочин, фаровон ҳаётини таъминлаш, ўз навбатида, давлатнинг иқтисодий салоҳиятини юксалтиришдек муҳим вазифалар ўртага ташланган эди. Айни вақтда эса, юртимиз четдан дон сотиб олиш заҳматларидан буткул халос бўлиб, кўп йиллик орзуларига эришди.

Донни, аввало, нонимиз, ризқ-рўзимиз бўлгани учун ҳам эъзозлаймиз, мисқолигача азиз санаймиз. Шу билан бирга, ғалла халқимиз турмушининг яна кўп жиҳатларида сув ва ҳаводек керак. У чорвачилигимиз асоси, зарур озуқа манбаи ҳамдир. Тармоқ ривожи бевосита ғалламиз мўллигига боғлиқ. Сирасини айтганда, оддий кишиларнинг табиати шундай, омборида дони мўл бўлса, дастурхонидан нон, сут-қаймоқ узилмаса, мол-холи емишдан қолмай, вақтида кўпайиб турса, бас, ундан тўқ, ундан бой одам йўқ ҳисоби. Аслида, назари тўқ инсоннинг ички дунёси тўкис, маънавий олами юксак бўлади.

Қувонарлиси, бу йил ҳам ғаллакорларимиз далаларда мўл ҳосил етиштирдилар. Эл-юртимиз насибаси, катта хирмонимиз 6 миллион тоннадан ошиши кутилаяпти. Демак, халқимиз фаровонлиги, тўкин-сочин ҳаётининг муҳим манбалари яратилмоқда.



Вилоятимиз ғаллакорлари бу йил эл-юртимиз хирмонига ҳар қачонгидан ҳам баракали улуш қўшдилар. Шу чоққача ғаллазорлардан 268000 тонна ҳосил йиғиштириб олинди. Эътиборли жиҳати, бу мавсум ўтган йиллардагига нисбатан салкам 5,5 минг гектар кам майдонда ғалла етиштирилган бўлишига қарамай, юқори ҳосилдорлик, ишнинг тўғри ташкил этилиши эвазига хирмон баракаси анча салмоқли бўлди. Хусусан, 2004 йилда 135000 гектар майдонда ҳосил етиштирилиб, 256 минг 200 тонна дон олинган, ҳосилдорлик эса ўртача 38,5 центнерни ташкил этган эди.

Эришилаётган муваффақиятларга яраша, моддий манфаатдорлик ҳам ортмоқда. Ғаллакорларимиз тармоқнинг ўзидан 48 миллиард сўм атрофида даромад олишни кўзлашган. Бунинг 7,5 миллиарди соф фойда бўлиши кутилмоқда.

Албатта, ҳар қандай ютуқ замирида неча-неча заҳматкаш, фидойи инсонларнинг ҳалол меҳнати, тажрибаси, машаққати, тинимсиз изланиши, шу билан бирга, юксак ташкилотчилиги ва ташаббускорлиги ётади. Бироз ноқулай келган бу йилги об-ҳаво шароитида ҳам деҳқонларимизнинг руҳи, умиди синмади, ғалла парваришига юксак масъулият билан ёндошилди, агротехник қоидаларга оғишмай амал қилинди, барча зарурий техник воситалар, ёқилғи-мойлаш ашёлари таъминоти ҳам ўз вақтида, узлуксиз йўлга қўйилди.

Мўл ҳосилга замин яратишда уруғлик масаласига эътибор қаратиш, иқлим шароитимизга мос, эртапишар, серҳосил навларни танлаш, саралаш ва экишга тайёрлаш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Кейинги йилларда вилоятимиз деҳқонлари уруғлик муаммосидан буткул халос бўлдилар, уни ўзимизда ҳозирлаш имкони яратилди. Ғаллакорларимиз келгуси йил ҳосили учун 18800 тонна уруғлик тайёрлаш учун ҳам астойдил ҳаракат қилмоқдалар. Ҳозиргача унинг қарийб 11 минг тоннаси тахт қилиб қўйилди.

Эътироф этиш жоизки, кейинги йилларда ғаллачиликда вилоятимизнинг барча туманларида ўзига хос тажриба орттирилди. Бу йил ҳам катта хирмонга вилоятимизнинг беистисно, барча туманлари ғаллакорлари муносиб ҳисса қўшдилар. Жумладан, эл-юрт хирмонига Бекобод тумани ғаллакорлари 32000, бўкаликлар 31000, қуйичирчиқликлар 31200, юқоричирчиқликлар 29500, ўртачирчиқликлар 27300 тоннадан ортиқ дон тўкиб, барака киритдилар. Қибрай, Зангиота, Тошкент, Чиноз тумани ғаллакорлари эришган муваффақият салмоғи ҳам катта бўлди.

Хирмонга барака киритганлар ҳақида гап кетганда, вилоятимиз фермерларининг бу йилги муваффақиятлари хусусида тўхталмасликнинг иложи йўқ. Бугун вилоятимизда мустақил фаолият юритаётган

(Давоми 3-бетда).

*Вилоят ҳокимлигида*

## КАМЧИЛИКЛАР МУҲОКАМА ЭТИЛДИ

***Вилоят ҳокимлигида транспорт масалалари бўйича вилоят тендер комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.***

Унда ўтган тендер жараёнларида йўналишларни ютиб олган юридик мақомга эга корхоналарни текшириш вақтида аниқланган камчиликлар муҳокама этилди. Шунингдек, қонунда белгиланган тартибда очиқ қолган йўналишлар кейинги тендер иштирокчиларига бириктириб берилди.

Кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

## ЭКОФЕСТИВАЛЛАР МАРАФОНИ БОШЛАНДИ

«Экосан» халқаро ташкилоти ва «Экосан» халқаро экологик сайёҳлик маркази экосайёҳлик соҳасида хизмат кўрсатиш ва сервис хизматини ривожлантириш дастури доирасида республикамиз бўйлаб «Сайёҳлик ва экосайёҳлик барқарор ривожланиш мақсадида» шиори остида Экофестиваллар марафонини ўтказмоқда.

Унинг дастлабкиси Тошкентдаги Мирзо Улуғбек номли маданият ва истироҳат боғида бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси сенати аъзолари, қонунчилик палатаси депутатлари, вазирлик ва идоралар, меҳмонхоналардаги сайёҳлик фирма ва компаниялар раҳбарлари ва вакиллари, эколог олимлар, жамоат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашдилар. Бундай тадбирларни самарали ва кенг жамоатчилик иштирокида ўтказишга эришиш лозимлиги ҳақидаги фикр-мулоҳазалар ўртага ташланди.

**ВИЛОЯТ ҲАЁТИ**

### МАСЛАҲАТЧИЛАР ЎҚУВ-СЕМИНАРИ

Тошкент денгизи бўйидаги «Меҳржон» оромгоҳида Республика Хотин-қизлар қўмитаси Ўртачирчиқ тумани ҳокимлиги билан ҳамкорликда уч кунлик ўқув-семинар ташкил этди.

Унда вилоятимизнинг Паркент, Пскент, Юқоричирчиқ, Ўртачирчиқ туманларидан ташриф буюрган маҳалла фуқаролар йиғини раисининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари иштирок этиб, ўзаро тажриба алмашдилар.

**Нозима АКРОМОВА.**

### ЁЗНИ ОРОМГОҲДА ЎТКАЗАДИЛАР

«Ўзметкомбинат» АИЧБнинг Бўстонлиқ туманида жойлашган «Металлург» оромгоҳига 300 дан зиёд болажонлар ҳордиқ чиқариш учун юборилдилар.

Бекобод шаҳридаги кам таъминланган оилалар ҳамда корхона меҳнаткашларининг фарзандлари учун оромгоҳда турли машғулотлар, спорт мусобақалари ташкил этилиб, турфа танловлар ўтказиш режалаштирилган.

**Ойбек ЗОКИРОВ.**

### УСТОЗЛАР БЕЛЛАШГАНДА

Ангрен шаҳар маиший хизмат касб-ҳунар коллежида ўқитувчилар ўртасида спорт мусобақалари бўлиб ўтди. Улар спортнинг футзал, стол тенниси, шахмат, волейбол каби турлари бўйича ўзаро беллашдилар.

Вилоят ўрта-махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси ташаббуси билан уюштирилган ушбу мусобақада шаҳардаги касб-ҳунар коллежлари вакиллари муваффақиятли иштирок этиб, тадбир ташкилотчиларининг эсдалик совғалари ҳамда фахрий ёрлиқлари билан тақдирландилар.

**Мўмин ИБОДОВ.**

### ҲОМИЙЛАР ҲИММАТИ

Айни кунларда Чиноз тумани халқ таълими бўлимига қарашли муассасалар янги кўриниш касб этмоқда.

Хусусан, 41 та мактаб, 1 та мактаб-интернат ҳамда 28 та болалар боғчаси жорий таъмирланаяпти. Яна 3 та мактабда капитал реконструкция ишлари кетмоқда. Бу мақсадлар учун Чиноз йўл-индустрия корхонаси, туман автомобиль йўллари бошқармаси, 700 та фермер ҳамда 6 та ширкат хўжаликлари ўзларининг ҳомийлик ёрдамларини аяшмаяпти.

**Сардор ФАЙЗУЛЛАЕВ, Тошкент Давлат шарқшунослик институти талабаси.**

Мустақилликнинг 15 йиллигига

Олмалиқ шаҳри:

# НУРЛИ МАНЗИЛЛАРНИ КЎЗЛАГАН КАРВОН

## 2. ЮРТ РАВНАҚИГА ҲИССА ҚЎШМОҚДАЛАР

**Вилоятнинг йирик саноат шаҳарлари ҳақида гап борганида, Олмалиқнинг ўзига хос салмоқли ўрни борлиги алоҳида тилга олинади. Бу бежиз эмас, албатта. Биргина «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» очиқ акциядорлик жамиятининг ўзи нафақат шаҳар ёки вилоят, балки бутун республика саноатининг устунларидан бири ҳисобланади. Бундан ташқари 9 та йирик саноат корхоналари ишлаб турибди.**



Шу йилнинг январь-июнь ойларида ишлаб чиқарилган товар маҳсулотлари ҳажми амалдаги нархларда ҳисобланганда жами 481404261 минг сўмни ташкил этди. Бунинг асосий қисми Олмалиқ кон-металлургия комбинати ҳиссасига тўғри келади. Шунингдек, «Аммофос» очиқ акциядорлик жамияти, «Ҳамкор керамик» ҳамда «Олмалиқ ғиштчиси» масъулияти чекланган жамиятлари улушлари ҳам бошқа корхоналарга нисбатан бирмунча салмоқлидир.

Йилнинг ўтган даврида истеъмол моллари ишлаб чиқариш анча кўпайди. Хусусан, январь-июнь ойларида 6057458 минг сўмликдан зиёд маҳсулот етказиб берилди. Бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 24,2 фоиз кўпдир. Олмалиқ кон-металлургия комбинатида бу соҳадаги ўсиш 42,4 фоизни, «Аммофос»да эса 4,2 баравар ташкил этади.

2006 йилнинг биринчи ярмида савдо, маиший ва пуллик хизмат кўрсатиш ҳам ўсиб бораётганлиги кузатилди. Жумладан, чакана савдо 25480 минг сўм, пуллик хизмат 6210 минг сўм, маиший хизмат 760 минг сўмга тўғри келди. Ўсиш суръатлари аввалги йиллардагига нисбатан 7,8 фоиздан 23,3 фоизгача етди.

Энг муҳими, Олмалиқда ташқи иқтисодий алоқаларни кенгайтиришга жиддий эътибор қаратилмоқда. Ҳозир рўйхатга олинган қўшма корхоналар 6 тага етди. Шулардан 5 таси барқарор ва самарали фаолият юритмоқда. Уларда шаҳар аҳолисидан 627 нафари доимий иш ўрни билан таъминланган. Ўтган йили қўшма корхоналарда 4167 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Ташқи иқтисодий айланма 489,6 миллион, экспорт 346,2 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Ташқи иқтисодий алоқаларнинг кенгайиши ва барқарорлашиши, экспорт ҳажмининг ортиб боришига шаҳардаги 5 та корхона — «ОКМК», «Аммофос», «Олмалиқ ғиштчиси», «Паллада Восток» ва «Поёндоз» корхоналари салмоқли ҳисса қўшди.

«Олмалиқ кон-металлургия комбинати» ҳамда «Аммофос» очиқ акциядорлик жамиятлари фаолиятига алоҳида тўхталиш жоиз. «ОКМК» республиканинг экспортга йўналтирилган йирик корхоналаридан бири сифатида ҳажми ва кўлами жиҳатидан тенги йўқ хом ашё базасига эга. У мис-молибден ҳамда олтин рудалари конларини ўз ичига олади. Ушбу конларнинг 150 йиллик захиралари истиқболига баҳо берилди. Бу эса бундан буён рангли ва қимматбаҳо металлар ишлаб чиқаришни изчил давом эттириш имконини беради. Зеро, комбинатнинг барқарор фаолият юритишдан ташқари, ишлаб чиқариш кўрсаткичларини йил сайин юксалтириб бораётгани бежиз эмас.

— Комбинатнинг 2006 йилга мўлжалланган инвестиция дастури корхонадаги барча объектларни кенгайтириш, реконструкциялаш ва техник жиҳатдан қайта таъминлашга қаратилган, — дейди техника бўлими бошлиғи Дилшод Миртолибов. — Бошқача қилиб айтганда, бу йил қатор тадбирларни амалга ошириш йўли билан 55,5 миллиард сўмлик капитал маблағлар ўзлаштирилиши назарда тутилган.

«Аммофос» очиқ акциядорлик жамияти вилоят ва республикада ўзига яраша мавқе ва нуфузга эга. Шуни айтиш кифояки, бу корхона мамлакат қишлоқ хўжалигининг фосфорли ўғитларга бўлган эҳтиёжини 90 фоиз қондирмоқда.

Корхонанинг 200 кишилик жамоаси 2005 йилдан бошлаб янги турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга жиддий эътибор бермоқда. Чунончи, кейинги бир ярим йил ичида аммонийли сульфат фосфат ва суперфосфор каби мувофиқлаштирилган ўғит ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Маҳсулот турини кўпайтириш, сифатини яхшилаш мақсадида режали чора-тадбирлар изчил амалга оширилмоқда. Жумладан, Польшанинг «Бумар» ва Германиянинг «Доберсек» фирмалари томонидан корхонанинг сульфат кислотаси ҳамда экстракция цехлари реконструкция қилинмоқда.

Технология жараёнларини замонавийлаштиришга қаратилган саъй-ҳаракатлар корхонанинг экспорт салоҳиятини кучайтирмоқда. Ҳозир маҳсулотнинг 6-8 фоизи Хитойга экспорт қилинаётган бўлса, эндиликда Эрон, Афғонистон давлатлари ҳам «Аммофос» маҳсулотларига қизиқиш билдирмоқда.



*СУРАТЛАРДА: «ОКМК»нинг ишлаб чиқариш бўйича техник директори Сергей Дабижа корхонага берилган «ISO-9001» халқаро сертификатини қабул қилиб олаяпти; Кон-металлургия комбинати таркибидаги марказий таъмирлаш заводининг механика-йиғув цехи ишчиси Жалолиддин Аҳмедов иш устида.*

---

*2006 йил – Ҳомийлар ва шифокорлар йили*

# МАҚСАД БИР, МЕЗОН БОШҚА

*Ҳурматли таҳририят!*

*Ҳар йили мамлакатимиз, шу жумладан вилоятимизда «Экология ва саломатлик кунлари» ўтказилмоқда. Йил давомида уч босқичда уюштириладиган бу тадбирнинг моҳияти, ундан кўзланган мақсад ҳақида маълумот беришингизни илтимос қиламиз.*

***Анвар Каримов, Файзи Раҳимов, Шокир Мирзокиров, Ангрен шаҳри.***

«Экология ва саломатлик кунлари» «ЭКОСАН» халқаро ташкилотининг ташаббуси ва Ўзбекистон ҳукуматининг қўллаб-қувватлаши билан республикамизда 1994 йилдан бери анъанавий уч босқичда ўтказиб келинмоқда. Бундан асосий мақсад — ҳамма жойда аҳолига қулай турмуш ва иш шароитларини яратиш, санитария-гигиена меъёрларига риоя қилиш, атроф-табиатни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини жадаллаштириш, табиатга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш каби халқ анъаналарини тиклаш ва янада ривожлантиришдир.

Бу йил «Экология ва саломатлик кунлари»нинг биринчи босқичи 15 февралдан 15 мартгача давом этди. Унинг доирасида «ЭКОСАН» саломатлик поездлари ва автопоездлари ташкил қилинди. Бунда юртимизнинг барча корхона, муассаса ва ташкилотларида, ўқув масканларида, аҳоли яшаш жойларида экологик ҳашарлар, хайрия тадбирлари, тарғибот-ташвиқот ишларини ташкил этиш анча кенгайди. Улардан тушган маблағ эса «ЭКОСАН» жамғармаси орқали аҳолининг ночор қатламлари, ижтимоий соҳа объектларига, шифокорларга ҳомийлик ёрдами кўрсатиш мақсадида сарфланди. Чунончи, Қорақалпоғистон Республикасига инсонпарварлик юклари ортилган навбатдаги «ЭКОСАН» саломатлик поезди жўнатилди. 20 миллион сўмлик хайрия ёрдами кўрсатилди.

«ЭКОСАН» халқаро ташкилотининг ташаббуси билан Чиноз туманида экологик ҳашар ташкил этилди. Шу куни туманнинг марказий шифохонаси ҳамда кам таъминланган ва кўп болали оилаларга ёрдам кўрсатиш учун инсонпарварлик юклари ортилган «ЭКОСАН» саломатлик автопоезди ташриф буюрди. Унда кийим-кечаклар, болалар пойабзали, дезинфекцияловчи воситалар, озиқ-овқатлар бор эди.

28 февраль куни Пскент туманининг қатор касалхоналарига, 79-махсус интернатга, туман болалар боғчаларига ҳамда кам таъминланган ва кўп болали оилаларга жами 2,6 миллион сўмлик буюмлар тарқатилди. Худди шундай тадбирлар Бўстонлиқ ва Қибрай туманларида ҳам ўтказилди.

Биринчи босқич давомида «ЭКОСАН» халқаро ташкилоти томонидан жами 173,3 миллион сўмлик инсонпарварлик ёрдамлари кўрсатилди.

«Экология ва саломатлик кунлари»нинг «Бутунжаҳон атроф-муҳит куни»га бағишланган 2-босқичи доирасида «Санитария, гигиена ва экологик маданият декадаси» тадбирлари дастури амалга оширилади.

Жойларда турли касалликлар тарқалишининг олдини олиш, санитария-гигиена талабларига риоя қилинишини таъминлаш, атроф-муҳитни ва инсон саломатлигини муҳофаза қилишнинг долзарб муаммолари юзасидан ҳамда халқаро экологик саналарга бағишланган конференциялар, учрашувлар, экология мавзусида кўрик-танловлар, фестиваллар ташкил этилади.

Сурхондарё вилоятига врачлар бригадаси, Навоий ва Бухоро вилоятларига «ЭКОСАН» саломатлик поездлари юборилади. «Менинг уйим — менинг шаҳрим», «Ободонлаштириш соҳасининг энг яхши ишчиси», «Махсустранс хизматининг энг яхши экипажи» каби кўрик-танловлар ўтказилади.

Ўқувчи ёшларнинг ёзги дам олишларини ташкил қилишда «ЭКОСАН» ташкилоти фаол иштирок этади. Оромгоҳларга моддий ёрдам кўрсатилади, айни вақтда уларда қизиқарли учрашувлар, экофестиваллар, танловлар, викториналар, «Табиат ва рассом», «Табиат болалар нигоҳида» мавзуларида расмлар кўргазмалари ташкил этилади. Россия Федерациясининг Ўзбекистондаги элчихонаси ва «Росзарубежцентр» билан ҳамкорликда Оролбўйи минтақасидан болалар ёзги таътил кунларида дам олиш ва соғликларини тиклаш учун Россиянинг ҳордиқ чиқариш, ўқув ва спорт оромгоҳларига юборилади.

Иккинчи босқич доирасида Ўзбекистон Республикасининг «Чиқиндилар ҳақида», «Сув ва сувдан фойдаланиш ҳақида»ги қонунларининг амалга оширилишига бағишлаб жамоат тингловлари ташкил қилинади. Бу тадбирлар фақат аҳоли ва айниқса, ёш авлод саломатлигини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

**Миркарим МИРСОВУРОВ.**

---

**Инсон доимо бир-бирининг меҳр-мурувватига, ҳеч бўлмаганда биргина ширин сўзига муҳтож бўлиб яшайди.**

# ОМОН БЎЛИНГ, МЕҲРИ ДАРЁЛАР

Қоқилиб чап оёғим синди ва тўшакка ётиб қолдим. Мени бу ҳолатда ёлғиз ташлаб қўйишмади. Ўзим яшаб-истиқомат қиладиган ҳудуд аҳли, шунингдек, туманимизда жойлашган «Отажонов» шифохонаси физиотерапия бўлими шифокорлари ёрдамга келишди. Улар 11 ёшлик қизим Анорага ҳам ғамхўрлик кўрсатишди.

Бош шифокор Комила Қодирова, катта ҳамшира Лола Турдиалиева, Солиҳа Алимқулова, Мавлуда Субатова, «Тез ёрдам» фельдшерлари Убайдулла Алимов, Ёқуб Жўраев, ҳайдовчилар Кенгес Мирзакимов, Дониёр Эрназаровлар, айниқса, фидойилик кўрсатишди. Кўзга кўринган фермер Шуҳрат Субанов эса бизнинг оилага ёрдам қўлини чўзди. Озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб бериб турди. Уларнинг бу яхшиликларидан бениҳоя миннатдормиз.

*Бир қатра сувмасми*
*оламда инсон,*
*Шу қатра қалбида*
*коинот пинҳон.*

Мен номларини зикр этган ва шу каби инсонларга «Доим соғ-омон бўлинг, меҳри дарёлар», дегим келади.

**Асолат АБДУҒАФФОРОВА, Қуйичирчиқ тумани.**

---

# «АХБОРОТ АСРИ ҚИЗЛАРИ»

**Республика Хотин-қизлар қўмитаси, Тошкент ахборот технологиялари университети ҳамда БМТнинг тараққиёт дастури ҳамкорлигида "Ахборот асри қизлари" лойиҳаси асосида кўрик-танлов ўтказилди.**

Мазкур лойиҳа ёш истеъдодли қизларнинг ахборот технологиялари соҳасидаги малакаларини ошириш мақсадида ташкил этилган бўлиб, унда республикамизнинг турли бурчакларидан келган ўқувчи қизлар иштирок этди. Танловга жами 70 дан ортиқ аризалар топширилди. Улардан 36 нафари финал босқичига йўлланмани қўлга киритди. Ушбу танловда қизларга ахборот технологиялари асослари, дизайн маҳоратлари хусусида етарлича маълумотлар берилди. Лойиҳа қатнашчилари томонидан ўзбек ва рус тилларида ахборот технологияларига оид 75 дан ортиқ сайтлар яратилди.

Лойиҳа доирасида иштирокчилар дастурлаштириш курсларида ҳам сабоқ олишди. Олган билимларини амалиётда синаб кўриш мақсадида қатнашчилар бир қатор ташкилотлар учун веб-сайтлар яратишди. Лойиҳанинг якуний босқичида иштирокчилар ўз ишларини йиғилганлар эътиборига ҳавола этишди.

**«Туркистон-пресс».**

---

*Яна тўловлар ҳақида*



# ОЛАРНИНГ БЕРАРИ БОР

***Газ, электр, сув...***

***Табиатнинг бу неъматлари кундалик турмушимизда шундай эҳтиёжга айланганки, уларсиз ҳаётимизнинг бирор лаҳзасини тасаввур эта олмаймиз. Шу сабабдан хонадонимизга ўз вақтида сифатли коммунал хизмат кўрсатилишини истаймиз. Лекин, орамиздаги айрим кишиларнинг хатти-ҳаракати «Оларда кирар жоним, берарда чиқар жоним» нақлини ёдга солгани боис, таъминот ишлари муаммосиз кечмаяпти. Гап коммунал хизматлар ҳақини ўз вақтида тўламай юрган фуқаролар ҳақида кетаётир.***

Бугунги кунда Ўртачирчиқ тумани электр тармоқлари идораси ҳисобида турган мижозлар орасида қарздорлари ҳам йўқ эмас. Хусусан, 441 та улгуржи ва давлат ташкилотларининг умумий қарзи 312 миллион сўмни ташкил этаётир. 950 та жисмоний шахсларнинг қарзи 440 миллион сўмга етиб қолган.

— Янгича кўринишдаги ўзаро ҳисоб-китоб механизми шаклланмоқда, — дейди туман электр тармоқлари идораси раҳбари Мурод Ғуломов. — Чунончи, «Электр энергиясидан фойдаланганлик учун ҳисоб-китоб қилиш механизмини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорда тўловларни тўлиқ ва ўз вақтида амалга оширишни таъминлаш, ҳам электр энергияси етказиб берувчилар, ҳам истеъмолчиларнинг шартномавий мажбуриятларга риоя этишлари лозимлигига алоҳида урғу берилган.

Мутасаддилар шунга асосан йил бошидан буён 38 та улгуржи истеъмолчининг қарздорлик муддати ўтганлиги сабабли уларнинг ҳужжатларини хўжалик судига ошириш учун туман солиқ инспекциясига тақдим этдилар. Аҳоли бўйича эса 69 та жисмоний шахснинг 9 миллион 49 минг сўмлик қарзини ундириш мақсадида фуқаролик судига мурожаат қилинган. Амалга оширилган саъй-ҳаракатлар натижасида 4 миллион 817 минг сўмлик қарз ундирилишига эришилган.

Бундан ташқари, 105 та маҳалла йиғинлари билан ҳамкорликда иш юритилиши натижасида мавжуд қарздорлик ҳолатининг камайишига эришилмоқда. Ҳар бир ҳудуд билан ўзаро манфаатли шартномаларнинг тузилиши, бу ишга масъулиятли кишиларнинг жалб этилиши ўз самарасини бераяпти.

Бугунги кунга келиб электр идораси томонидан юридик ташкилотларнинг 90 ва аҳолининг 20 фоизи замонавий электр ҳисоблагичлар билан таъминланган. Олти ой мобайнида Бургали, Ким Пен Хва ва Акмал Икромов номли қишлоқ фуқаролар йиғинлари ҳамда Бобур маҳалласи ҳудудидаги эски трансформаторлар янгисига алмаштирилди.

**Хуршида НАЗАРОВА, «Тошкент ҳақиқати» мухбири.**

***СУРАТДА:** (чапдан) туман электр тармоқлари идораси бошлиғи Мурод Ғуломов, навбатчи диспетчер Нарзулла Муталов ҳамда тезкор бригада электр монтёри Мақсуд Ҳожиматов навбатдаги режалар хусусида фикрлашишмоқда.*

**Даврон АҲМАД олган сурат.**

---

# ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

**Тошкентда бўлиб ўтган Ўзбекистон-Италия бизнес форумида қатор муҳим шартномалар имзоланди.**

Мазкур тадбир Ўзбекистон савдо-саноат палатаси, Италия-Ўзбекистон савдо палатаси ҳамда Милан шаҳар савдо, саноат, қишлоқ хўжалиги ва ҳунармандчилик палатаси ташаббуси билан ташкил этилди.

Бизнес-форум доирасида мамлакатимиз иқтисодий салоҳияти тақдимоти ва юртимиз тадбиркорлари билан Италиянинг Ломбардия вилояти корхоналари ўртасида контакт биржа ўтказилди. Учрашувдан асосий мақсад ўзбек ва италия фирмаларига шериклар топишда кўмак бериш, икки давлат ўртасидаги иқтисодий алоқаларни қўллаб-қувватлаш ҳамда янада ривожлантиришдан иборат.

Тадбирда мамлакатимизнинг йигирмадан зиёд компания раҳбарлари иштирок этишди.

**Умиджон СОДИҚОВ, ТКТИ талабаси.**

---

*Истеъмолчи*

# АСЛИДА КИМ АЙБДОР?

**Пскент туманида шундай воқеа содир бўлди. Бир куннинг ўзида бир хонадонда ҳам компьютер, ҳам телевизор, ҳам музлаткич куйди. Хонадон соҳиби ҳам анойилардан эмас экан. Елиб-югуриб айбдорни аниқлади: рўзғор буюмлари туман электр тармоғидаги носозликлар туфайли ўчган линияга бирдан катта кучланишдаги электр юбориш боис куйган экан.**

Хонадон эгаси истеъмолчилар жамиятига ариза билан мурожаат этди. Электр тармоғи идораси қонунчиликка мувофиқ ўша хонадонда ишдан чиққан электр рўзғор буюмлари қийматини тўлашга мажбур бўлди.

Ҳар бир истеъмолчи дўкондан нарса сотиб оладими, бирор хизматга буюртма берадими, ўз ҳақ-ҳуқуқини тўла талаб қилишга ҳақли. Электр, газ тармоғида баъзан тез-тез узилишлар бўлади, истеъмолчи меъёрий хизматни талаб қилиш ҳуқуқига эга. Кўпинча дўконга кириб ош тузи сўраймизу, пулини тўлаб олиб кетаверамиз. Аслида тузнинг ёрлиғини ўқиб кўришимиз керак. Қачон ишлаб чиқарилган? Муддати тугаб қолмаганми? Йодланганлик даражаси қандай? Чунки яхши тозаланмаган, йодланмаган бўлса, касалликка олиб келади.

Қибрай туманидаги бир поликлиника ходимлари ўзларига қарашли ҳудудда фарзанд кўриши мумкин бўлган ёшдаги аёллар танасидаги йоднинг миқдорини тиббий кўрикдан ўтказишди. Бир қанча бўлғуси оналарда йод етишмаслиги аниқланди. Демак, бу аёллардан туғилган фарзанд қандайдир жисмоний камчилик билан дунёга келади. Бу, ахир, жиддий хавф. Демак, дўкондан бирор нарса сотиб оламизми, бирор хизматдан фойдаланамизми, унинг сифатини талаб қилишимиз даркор. Истеъмолчилар жамиятларида шундай шиор бор: «Ҳуқуқини билмаслик — истеъмолчининг ашаддий душманидир».

Яқинда Қибрай туманида «Истеъмолчилар ҳуқуқлари қонун ҳимоясида» мавзуида семинар-тренинг ўтказилди. Унда Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари вилоят ҳудудий бирлашмаси, вилоят Давлат санитария ва эпидемиология назорати маркази, вилоят Стандартлаштириш ва метрология бошқармаси вакиллари иштирок этиб, истеъмолчилар ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишни яхшилаш масалалари хусусида фикрлашиб олишди.

Турли касалликларнинг олдини олиш мақсадида кимёвий таҳлил учун олинган 4838 та намунадан 329 та турли озиқ-овқат маҳсулотлари талабга жавоб бермаслиги аниқланди. Савдо тармоқларида, умумий овқатланиш корхоналарида озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлиги устидан лаборатория назоратини олиб бориш давомида жами 159 тонна 898 килограмм озиқ-овқат, 2540 килограмм балиқ ва ундан тайёрланган, 25200 килограмм нон, 22900 килограмм қандолат, 9838 килограмм сабзавот, полиз, 24899 килограмм салқин ичимликлар, 234 килограмм болалар озуқаси, 4265 килограмм консерва ва 18458 килограмм бошқа маҳсулотлар истеъмолга яроқсизлиги туфайли савдодан олиб ташланди.

— Бугун бу йиғилишда иштирок этаётганимдан жуда хурсандман, — деди шу тумандаги 41-мактаб директори ўринбосари Бахтиёр Ёқубжонов. — Истеъмолчи сифатида жуда катта ҳақ-ҳуқуқларимиз бор экан, энди яхши тушуниб олдим. Қибрайда «Шуҳрат» деган хусусий дўкон бор. Яқинда у ердан 1550 сўмлик буюм харид қилдим. Шу жумладан, лампочка ҳам сотиб олдим. Лампочкани текшириб беринглар десам, ҳаммаси пештахтага қўйилаётганда текширилган, бемалол олиб кетаверинг, ҳозир текширадиган ускунамиз йўқ, дейишди. Уйга олиб борсам — ёнмади. Дўконга олиб келсам, қайтиб олишмади. Сўнг солиқ инспекциясига кирдим. У ерда жуда яхши кутиб олишди ва «уч кунда жавобни шахсан ўзингизга билдирамиз» дейишди. Мана орадан ўн кун ўтди, ҳеч қандай дарак йўқ. Хулоса қилиб шуни айтаманки, ҳуқуқларимиз етарли экан, талабчан бўлишимиз керак. Шундагина тартиб бўлади.

Семинар-тренинг охирида Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари вилоят ҳудудий бирлашмаси томонидан сўровнома варақаси тарқатилди. Унда, жумладан, «Тумандаги қайси хизмат ёки иш сифати сизни қониқтирмайди? Уй-жой, коммунал хизмат ва шахсий мулкдорлар ширкатлари талабга жавоб бераяптими? Тиббий хизмат кўрсатишнинг аҳволи, тиббий дори-дармонлар, умуман дорилар билан таъминлаш ҳақида нима дейсиз? Ногиронлар ва умуман, истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоялаш борасида қандай муаммолар бор? Уларни ҳал этиш учун нималарга эътибор бериш керак деб ўйлайсиз?» каби кўплаб саволлар ўрин олган эди. Вилоят жамияти гуруҳлари олинган жавоблар юзасидан иш олиб боради ва унинг якунларига хулосалар қилинади. Бу амалий тадбир ҳам туманда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоялашни яхшилаш ишига муносиб ҳисса бўлиб қўшилади.

**Будир ПЎЛАТОВ.**

# ЭЛ-ЮРТ ХИРМОНИ ЮКСАЛАЁТИР

Ғалла – 2006

фермерларимиз сони 18168 тага етди. Улар тасарруфидаги ер майдонларининг умумий ҳажми 338214 гектардан ошди. Аксарият заминдорларимиз фаолиятининг асосий йўналиши ғаллачиликдир.

Бу мавсум фермерларимиз 129500 гектар майдонда ғалла етиштирдилар. Уларнинг эл-юрт омборларига тўккан ғалласи 238700 тоннадан ошди. Бу вилоятимизда етиштириладиган доннинг 76,5 фоизи, демакдир. Ялпи ҳосил эса 366400 тоннага етиши кўзланган.

Фермерлар даласидаги ҳосил чўғи анча баракали бўлаётгани кишини қувонтиради. Чунончи, Чиноз туманидаги «Муқимий», «Зарафшон», «Соф томчи», Бўка туманидаги «Учқун», «Ёш куч», Оққўрғон туманидаги «Поки-за-М», «Бурхон», Бекобод туманидаги Абдуҳолиқ Жабборов номли, Оҳангарон туманидаги «Авазхон», Янгийўл туманидаги «Уфқ», Бўстонлиқ туманидаги «Бердиёр» каби кўплаб фермер хўжаликлари далаларида ҳосилдорлик 65-70 центнерга етди.

Оққўрғон тумани ғаллакорлари ҳам мавсумни юксак уюшқоқлик билан ўтказиб, ғаллазорлардаги азиз неъматни нест-нобуд қилмай йиғиштириб олиш учун бор имкониятларини ишга солмоқдалар. Шу чоққача йиғиштириб олинган ҳосил 21700 тоннадан ошди. Туманда 4 та ширкат, 506 нафар фермер хўжалигининг 8 минг гектардан зиёд майдонида ғалланинг «Крошка» ва «Плавчанка» навлари етиштирилди. Туманда шу чоққача тўпланган ҳосилнинг 74 фоизи фермерлар улушига тўғри келди. Аксарият ғаллакорлар ҳосилдорликни ўртача 55 центнерга етказдилар.

С. Сегизбоев номли ширкат хўжалиги деҳқонлари эса эл-юрт хирмонига салкам 3000 тонна дон тўкиб, мавсумни қисқа муддатда якунлашга муваффақ бўлдилар. Ҳосилнинг 1000 тоннаси уруғликдир. Ҳосилдорлик ўртача 42 центнерни ташкил этди.

Бўкалик ғаллакорлар ҳам дастлабки довонни босиб ўтдилар. 6 та ширкат ва 962 та фермер хўжалиги далаларида мўл ҳосил етиштирилди. Мавсумда 25 та ўрим агрегатлари хизматидан юқори унумда фойдаланилди. Ҳосилдорлик ширкат хўжаликларида 42-45, фермерлар даласида 50-55 центнерни ташкил этди.

Якунланаётган мавсум қибрайлик ғаллакорлар учун ҳам муваффақиятли бўлди. Улар 10000 тонналик хирмон бунёд этдилар.

Тумандаги 413 та фермер хўжаликларининг барчаси эл-юрт хирмонига муносиб улуш қўшди. «Барака», «Акром ота», «Аббос давр» каби ўнлаб фермер хўжаликлари, шунингдек, «Турон замин агрофайз», «Истиқлол давр зиёси», «Т. Нормуҳаммедов агробизнес» каби янги ташкил этилган агрофирмаларда ғалла ўрим-йиғими уюшқоқлик билан ташкил этилиб, юқори ҳосилдорликка эришилди.

Вилоятимиз ғаллакорлари дастлабки катта довондан муваффақият билан ўтган бўлсаларда, ҳали далаларда ҳосил мўл, ўрим-йиғим давом этмоқда. Улар ялпи хирмонни 500 минг тоннадан оширишни мақсад қилишган.

**Ғайрат ШЕРАЛИЕВ,**
**«Тошкент ҳақиқати» мухбири.**

(Давоми. Боши 1-бетда).



Даврон АҲМАД олган сурат.

*СУРАТДА: бўкалик фермерлар (чапдан) Толиб Тўхтаниёзов ва Зокир Жуманқулов мавсумда юқори ҳосилдорликка эришдилар.*

## ДОНИ МЎЛНИНГ НОНИ МЎЛ

Ғаллачиликда ҳосил тақдири кўп жиҳатдан ўрим-йиғим вақтида ҳал бўлади. Шу боис, мавсумда мавжуд комбайнлар, шунингдек, бошқа ёрдамчи техника воситаларининг созлиги, механизаторларнинг тайёргарлиги ва маҳоратини синовдан ўтказишга катта эътибор қаратилди. Шу тариқа мавсум мобайнида ҳар бир ўрим агрегатидан унумли ва самарали фойдаланишга эришилди.

Биз ҳам мавсумда қўлдан келганча фаоллик кўрсатишга, деҳқонлар мушкулини осон, юзини ёруғ қилиш ҳаракатида бўлдик. Бошқарувимдаги «Кейс» комбайни билан 600 гектардан зиёд майдондаги ҳосилни ўриб-янчиб олишга муваффақ бўлдим. Шунча майдондан йиғиштириб олинган ҳосил неча-неча инсонлар учун ризқ-рўз бўлишини ўйласам, қилаётган меҳнатим нақадар шарафли эканлигини дилдан ҳис этаман.

Ахир дон – бу нон дегани! Дони мўлнинг – нони мўл, дейишади. Нон энг тансиқ, энг муқаддас неъмат. У ҳаммамизни боқади, тўйдиради. Айнан шу жиҳат менга мавсумда куч-қувват ато этган бўлса ажабмас.

**Ш. ЙЎЛДОШЕВ,**
**«Кейс» оператори,**
**Қибрай тумани.**

## ЕРГА МЕҲР ҚЎЙИБ...

Фермернинг энг катта бойлиги — ер. Агар у ерга меҳр қўйса, ихлос билан, астойдил ишласа, ҳар қаричидан оқилона, унумли фойдаланса, албатта кўзлаган мақсадига эришади.

Хусусан, бунга ўз фаолиятимиз мисолида кўп бора амин бўлганмиз. Бу мавсум 24 гектар майдонда мўл ҳосил етиштирдик. Экинни ўз вақтида озиқлантиришга, ернинг мелиоратив ҳолатини яхши сақлашга, асосан, маҳаллий ўғитга тўйинтиришга алоҳида эътибор бердик. Аъзоларимиз билан ўрим мобайнида ҳам ҳосил тақдирига масъулият билан ёндашиб, ғаллани нобудгарчиликсиз йиғиштириб олишга ҳаракат қилдик. Гектар бошидан ўртача 55 центнердан ошириб ҳосил олишга муваффақ бўлдик. Эл-юрт хирмонига тўккан ғалламиз 60 тоннага етди. Қарийб 35 тонна буғдой ўз ихтиёримизда қолди. Уни аъзоларга қўшимча рағбат тариқасида улашдик.

Қисқаси, ҳалол меҳнат, яратилаётган имкониятлар самараси билан моддий манфаатдорликка эришаяпмиз. Уйимиз донга тўлди, нонимиз бутун бўлди, чорвамизнинг қишлик озуқаси ҳам тахт қилинди.

**Муродбек ЮНУСОВ,**
**фермер, Қуйичирчиқ тумани.**

## ДЕҲҚОН ТЎҚ – ХАЛҚ ТЎҚ

Ҳисоблаб кўрсам, қўлга кетмон тутиб, деҳқончиликни бошлаганимга салкам 60 йил бўлибди. Эҳ-ҳе, ўтган вақт мобайнида деҳқончиликда иш юритишнинг қанча шаклию услубини кўрмадик. Бироқ, ҳеч замонда ўз ерининг ҳақиқий эгаси бўлган деҳқон меҳнатининг бугунгидек қадр топгани, манфаатининг устувор қўйилганини эслай олмайман. Бу бежиз эмас. Чунки деҳқоннинг тўйгани — элнинг тўйгани.

Бу мавсум пудратчиларимиз билан 62 гектар майдонда ғалла етиштирдик. Ҳисоб-китобимизга кўра, ҳосилдорлик 60 центнер атрофида бўлди. Аъзоларимиз билан бу кунларни ниҳоятда интиқлик билан кутдик. Чунки, меҳнатинг натижасини кўриш, самарасидан баҳра олиш катта бахт-да. Қолаверса, мавсумдан яхшигина даромад олишни ҳам мўлжаллаган эдик. Етиштирган ҳосилимизнинг қарийб учдан бир қисми фойдага қолди.

Ҳозир ғалладан бўшаган майдонларни сомондан тозалаб, пешма-пеш шудгорлаяпмиз. Эрта-индин такрорий экин экишни бошлаймиз.

**Баҳром УМАРОВ,**
**Чиноз тумани «Гулзоробод» ширкат хўжалиги бош пудратчиси.**

## ЎРМОНЛАРНИ АСРАШГА ЭЪТИБОР

**Ўрмонлар мамлакатимиз табиий захиралари орасида алоҳида ўрин тутади. Атроф-муҳит мусаффолигини таъминлаш, қишлоқ хўжалиги, чорвачилик каби кўплаб тармоқларни ривожлантиришда яшил бойликнинг аҳамияти катта.**

Юртимиз ҳудудининг 19 фоизини ана шундай яшил майдонлар ташкил этади. Тоғларда арчазорлар, саҳрода саксовулзорлар, дарё бўйларида тўқайлар тупроқ таркибини яхшилаш, сувни асраш ва чорва озуқа базасини мустаҳкамлашга хизмат қилаётир.

Ўрмон хўжалиги ходимлари бундай ҳудудлар майдонини кенгайтириш мақсадида ҳар йили ўртача 40 минг гектардан кўпроқ янги ўрмонзорлар барпо этяпти. 150 тоннадан кўпроқ дарахт ва бута уруғи, 30 миллион донадан зиёд манзарали ва мевали дарахт кўчати етиштирилади.

Пойтахтимизда тегишли вазирлик, қўмита, давлат, жамоат ва халқаро ташкилотлар вакиллари, олимлар иштирокида ўтган семинар ана шу масалаларга бағишланди.

Тадбирда ўрмончиликни ривожлантиришни илмий асосда ташкил этиш, бу борадаги тадқиқотларни ривожлантириш, кўчат етиштиришда янги технологияларни жорий этиш борасидаги вазифалар, жаҳон тажрибасини ўзлаштириш, илм-фан ютуқларидан амалда оқилона фойдаланиш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди. Ўрмонларни муҳофазалаш ва кўпайтиришда ҳудудларнинг минтақавий хусусиятларини эътиборга олган ҳолда иш юритишнинг аҳамияти, маҳаллий аҳолини бу борадаги ишларга кенг жалб этиш, соҳа ходимлари тажрибасини ошириш ва малакали мутахассислар тайёрлаш жараёнидаги вазифаларга бағишланган маърузалар тингланди.

**Баҳор ХИДИРОВА,**
**ЎзА мухбири.**

Олмалиқ шаҳри:

# НУРЛИ МАНЗИЛЛАРНИ КЎЗЛАГАН КАРВОН

Мустақилликнинг 15 йиллигига

## 3. ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРНИНГ ЙЎЛЛАРИ РАВОН



**Маълумки, мамлакатда изчил давом этаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг устувор йўналишларидан бири кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг шаклланиши ва жадал ривожланиши учун кенг йўл очиш, улар мустақил оёққа туриб олгунларига қадар ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб боришдир. Олмалиқ шаҳрида ҳам ишлаб чиқаришнинг энг самарали, давр талабига тез мосланувчан тармоғи кенгайиб, ривожланиб бормоқда.**

Шаҳарда рўйхатдан ўтган хўжалик юритувчи субъектлар 709 тага етди. Шулардан 607 таси нодавлат мулк шаклида ташкил топган. Кичик бизнес корхоналарида 1923 та янги иш ўринлари очилди. Умуман, шаҳарда 569 та кичик корхона ва микрофирмалар барқарор иш олиб бормоқда. Жумладан, саноатда 39 та, қурилиш соҳасида 78 та, транспорт тизимида 19 та, савдо ва пулли хизмат тармоғида 172 та кичик корхона фаолият юритаётир.

Шуниси диққатга сазоворки, шаҳардаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг аксарияти мустаҳкам оёққа туриб, ишлаб чиқариш кўламини кенгайтириб, маҳсулот турларини кўпайтириб, сифатини эса жаҳон андозалари талаблари даражасига етказишга астойдил ҳаракат қилмоқда.





*СУРАТЛАРДА: «Ҳамкор-керамик» масъулияти чекланган жамиятида тайёр маҳсулотлар буюртмачиларга ҳозирланмоқда; «Тошкент-Турон сервис» хусусий қурилиш фирмаси шаҳардаги 72 та тураржой биносининг иссиқлик тармоқларини кузги-қишки мавсумга тайёрлашда фаоллик кўрсатаяпти; Оҳангарондаги «Бинокор» масъулияти чекланган жамияти қурувчилари шаҳардаги тиббиёт коллежида қурилиш ва реконструкция ишларини замонавий андозаларга мос равишда амалга оширмоқдалар.*

Ривожланишнинг равон йўлига тушиб олган кўплаб бундай кичик корхоналарни мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

«Ҳамкор керамик» маъсулияти чекланган жамияти шаҳардаги самарали фаолият юритаётган ана шундай корхоналардан биридир. Айтиш жоизки, аслида бу корхона 1952 йилдаёқ ўз фаолиятини бошлаган Олмалиқ ғишт заводи негизида 2004 йилда ташкил топди. Унинг раҳбари Қодир Юсупов Москва ва Санкт-Петербург шаҳарларига хизмат сафарига бориб, турдош корхоналарда иш ўрганиб қайтгач, масъулияти чекланган жамият фаолиятида туб ижобий ўзгаришлар юз бера бошлади. Чунки, у ўша йирик шаҳарлардаги кўп тармоқли қурилиш бирлашмалари, ғишт ва асфальт-бетон заводларидаги иш жараёнлари билан атрофлича танишди.

— Бу хизмат сафаридан мақсад фақат тажриба ўрганиш эмасди, — дейди Қ. Юсупов. — Биз учун зарури ғишт ишлаб чиқаришда қўлланилаётган замонавий техника ва технологияларни корхонамизга келтириш имкониятларини излаб топиш эди. Ҳозир бу масалада дастлабки қадамлар қўйилди. Яқин кунларда банкдан олинган кредитлар ҳисобига ана шундай ускуналар келтирилиб ўрнатилади. Шуни ҳисобга олиб, биз ҳозирданоқ кадрларимизни қайта ўқитишни бошладик. Ниятимиз келгуси йилдан корхонамизда уч хил турдаги пардоз ғиштларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйишдир.

Корхона раҳбарининг таъкидлашича, янги технология электр қуввати ва табиий газдан тежаб-тергаб фойдаланиш имконини беради. Ангрен кўмир конининг энг пастки (кўмирдан очилган) ер қатламидан олинадиган тупроқгил эса, ғишт учун асосий хом ашё бўлади.

«Черевко Б.В.» корхонаси тамғаси билан чиқаётган маҳсулотлар бугунги кунда юқори сифатлилиги ва хуштаъмлилиги билан рақобат бозорида ўз мавқеи ва ўрнини топди. Корхона 0,5 ва 0,33 метр ҳажмдаги бежирим идишларда кунига 100-120 деколитр маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга бўлди. «Лимонли», «Нокли», «Қулупнайли» газланган ичимликлар тайёрлаш автоматлашган бўлиб, бутун жараённи фақат 5 киши бошқаради.

— Олмаликда шундай корхона очиш нияти менда анча илгари туғилган эди, — дейди Борис Васильевич Черевко. — Ниҳоят, Бўкадаги лимонад цехида орттирган тажрибам қўл келди. 2000 йилда Россиядан барча зарур ускуна ва жиҳозлар олиб келинди. Лимонад хом ашёси ва темир қопқоқлар Тошкент шаҳридаги ҳамкор ташкилотлардан олинаяпти.

Корхона раҳбари бугунги кунгача эришган натижалар билан чекланиб қолмоқчи эмас. Чунки, изланганга, интилганга ҳар доим имконият эшиклари очиқ, айниқса, ҳозирги изчил ислоҳотлар даврида. Буни ўз кўзи билан кўриб, юракдан ҳис этаётган кичик корхона раҳбарининг эндиги нияти мўъжазгина бинога эга бўлиб, замонавий ускуналар келтириб, асосан болаларбоп қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйишдир.

«LSNLK GIDA SANAYI» хусусий корхонаси раҳбарлари ҳам ўз фаолиятларини кенгайтириш мақсадида 170 минг АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритдилар. Бу ерда шоколад-батонча ва кокалин ишлаб чиқарилади. Маҳсулот ўраладиган махсус полипропилен пакетлар Туркиядан, маргарин Индонезиядан, какао эса Малайзиядан келтирилади. Корхонанинг 70 нафар ишчиси ҳозир ойига 30 тоннага яқин маҳсулот ишлаб чиқармоқда.

— 2007 йилга бориб, иш ўринлари 150 тага етади, — дейди хусусий корхона раҳбари Чинор Кар. — Экспорт учун совға тарзидаги қадоқланган ширинликлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ниятидамиз.

## «БИРЖА» ГАЗЕТАСИ – ЎҚУВЧИЛАР ҚЎЛИДА

**«Биржа» иқтисодий газетасининг дастлабки сони ўқувчилар қўлига тегди.**

У «Mulkdor» газетаси негизида ташкил этилди. Бу Президентимиз Ислом Каримовнинг жорий йил 26 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси фаолиятини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори талаблари ижросини таъминлаш йўлида қўйилган яна бир амалий қадамдир.

Мазкур ихтисослашган нашр Ўзбекистон иқтисодиёти изчил ривожланаётган ва жаҳон бозорига интеграциялашаётган ҳозирги глобаллашув даврида юртимизнинг товар, қимматли қоғоз ва кўчмас мулк бозорларига оид маълумотлар, хорижий инвестицияларни кўпроқ жалб этиш билан боғлиқ муҳим иқтисодий жараёнлар ҳақида теран таҳлилий материаллар ва тезкор хабарлар бериб боришни ўз олдига бош мақсад қилиб қўйган.

**ЎзА.**

*Jaholatga qarshi ma`rifat bilan*

**Mahmud TOIR,**
**O`zbekiston xalq shoiri.**

## OGOH BO`L, DUNYO

**(Doston)**

***Mening hayotim — ish, uy. Shu xalq, shu millat tashvishi. Menda yana nima bor? O'ylayman. Ko'p o'ylayman. Kechalari uxlolmasdan chiqaman. Mening ham bolalarim, nabiralarim bor. Men ham bolalarimning baxtini ko'rmoqchiman. Nabiralarimni uylantirmoqchiman.***
***Islom KARIMOV.***

Sening darding botmon, ohlaring botmon,
Yuzingdagi ajin g'amning shonasi.
Joningni qamchilar ming bitta armon,
Mushtipar, munisam, O'zbek onasi!

Mehring-la iylangan aytgan har so'zing,
Sen emasmi, ezgulik parvonasi?
Tabiatning mo'jizasi sen o'zing,
Sen nurning chashmasi – O'zbek onasi!

Har ishda Haq degan, haqgo'y, xudojo'y,
Soflik sadafida durning donasi.
Ulug' yo'l boshida turgan duogo'y,
Mehribon, daryodil O'zbek onasi!

Ko'z yoshlaring artgin, bir bora jilmay,
Ey, mehri ummonim, dil durdonasi.
Hurlikda endi men baxtingni kuylay,
Millatim onasi – O'zbek onasi!

* * *

Doston umri inson umriga o`xshar,
Bir satri jilmaysa, bir satri qaqshar.

Doston ham tushmaydi asli osmondan,
Darddan to'kiladi, to'kilar jondan.

O`ylab topilgan deb o`qimang albat,
O`ylatgan dardlarim bitdim men faqat.

Bori shu qog'ozda, bandaman ojiz,
Endi bu daftarni yopmog'im joiz.

O`qib uqqanlarga rahmatim bisyor,
Ham omon bo`lsinlar, bo`lsin Xudo yor!

### XOTIMA

Bu dunyoga biz hammamiz mehmonmiz,
Har bir odam yaxshi fikr, o'y qilsin.
Shohmi, gado orzusi bor insonmiz,
Duo qiling, har bir banda to'y qilsin.

Farzand bersa, bo'y qo'shilsin bo'yiga,
To'y yarashar har o'zbekning uyiga.
Yaxshi niyat, yarim davlat, omin deng,
To'ylar qilsin, el-yurt borsin to'yiga.

Derlar umr – bu Ollohning in'omi,
Nabiralar inson umrin davomi.
Xush kunlarning sadosidir aslida,
Yaxshilarga yaxshilarning salomi.

Nabirasin qo`llaridan yetaklab,
O'zi yurgan yo`llaridan yetaklab,
Gijinglagan tulporlarga mindirsin,
Haq yo'lida dillaridan yetaklab.

El dardidan ortarmikan o`zi hech,
Ortishiga yetarmikan ko`zi hech?
El dardiga joni fido insonni,
Qodir Xudo, mushkulini oson yech.

Nabirasi umrining xush navosi,
Armon otliq shirin dardning davosi,
Duo qiling, podsholar ham to'y qilsin,
Niyatiga yetsin Islom bobosi!

* * *

Yo`l yursang har yo`lning poyoni bo`lgay,
Har ishning yakuni, ayoni bo`lgay.
Dilning izhoriga so`z kerak doim,
So'zning me'yoriga tuz kerak doim.

Aytayin faxrimni qo`ymasdan nuqta,
Jonimiz, shonimiz, el tutgan tug'da.
Tafakkur tog'lari elning tayanchi,
Hikmat bog'larida bordir suyanchi.

Hurligin asraydi jism-u jonida,
G`urur bor, hurmat bor, o`zbek shonida.
Mayli, bir bor aytay, aytayin ming bor,
Avlodlar biz bilan qilgay iftixor.

Hurlik eshigini ochgan deb aytar,
Qullik zanjirini yanchgan deb aytar.
Olloh ulug`lagan o`zbek nomini,
Ogohlari qo'rir el oromini.

*2004-2005yil.*

(Oxiri. Boshi o`tgan sonlarda).

Олмалиқ шаҳри:

# НУРЛИ МАНЗИЛЛАРНИ КЎЗЛАГАН КАРВОН

Мустақилликнинг 15 йиллигига

## 4. РУҲ ТЕТИКЛИГИ ВУЖУД СОҒЛИГИДАН

**Шаҳар ҳокимлиги барча ишлаб чиқариш тармоқларини барқарор ривожлантириш билан бир вақтда ижтимоий-маданий соҳаларни ҳам ўзаро мутаносиб ҳолда юксалтириш, аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга қаратилган аниқ дастурий чора-тадбирларни изчил амалга оширишга алоҳида эътибор бермоқда. Кейинги йилларда халқ таълими, соғлиқни сақлаш, маданий-маърифий соҳалар тизими анча кенгайди, сифат жиҳатидан давр талабига мос ўзгаришлар, янгиликлар юз берди.**



Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга татбиқ этиш халқ таълимини такомиллаштириш, таълим-тарбия ишлари савиясини ошириш имконини бермоқда. Ўсиб келаётган ёш авлодга илм ва таълим беришнинг босқичли тизимлари жорий этилиб, ўқув жараёнларида замонавий усул ва услубиятлар амал қилинмоқда.

Айтиш мумкинки, эндиликда ўқув муассасаларининг босқичли тизими мукаммал шакллантирилган. 9- ва 11-синфларни битираётган ўқувчилар иқтидорларига қараб, касб-ҳунар коллежлари ёки олий ўқув юртларига йўналтириб борилади. Масалан, ўтган йили умумтаълим мактабларининг 9-синфини 2055, 11-синфини эса 327 ўқувчи битирган бўлса, шулардан 152 нафари олий ўқув юртларида, 1489 нафари эса коллежларда билим олиш ва касб-ҳунар эгаллашни давом эттирмоқдалар.

Ҳозирги кунга келиб, шаҳардаги умумтаълим мактаблари 24 тага етди. Бундан ташқари 6 та касб-ҳунар коллежи ва битта махсус мактаб-интернат фаолият кўрсатмоқда. Жами 1033 нафар малакали педагог 20775 ўқувчига таълим-тарбия бермоқда.

Олмалиқда соғлиқни сақлаш муассасалари тизими кенг тармоқ отган. Мавжуд 8 та шифохонада бир йўла 911 бемор муолажа олиши мумкин. 10 та поликлиника ва диспансерлик пунктлари бир вақтнинг ўзида 2660 беморни қабул қила олади. Шунингдек, 2 та дам олиш ва даволаш сиҳатгоҳи (профилакторий) шаҳар аҳолисига малакали тиббий хизмат кўрсатмоқда.

Шаҳардаги дорихоналар сони бугунги кунга келиб, 16 тага етди. Улар беморларнинг дори-дармонларга бўлган эҳтиёжини бемалол қондириш қувватига эга. Дорихоналарнинг фақат биттаси давлат мулки шаклида бўлиб, қолган 15 таси хусусий тадбиркорлик субъектлари сирасига киради.





*СУРАТЛАРДА: шаҳар болалар поликлинкаси шифокори Сайёра Дадабоева муолажа вақтида; кон-металлургия комбинатининг тиббий-санитария бўлими шифокори Анастасия Пак ҳамшира Сайёра Дўнгбоева билан кундалик иш вақтида; спортнинг универсал жанг тури бўйича халқаро мусобақаларда бир неча маротаба қатнашиб, нуфузли ўринларни олган Ғолиб Аҳмедов ва Отабек Мамбетов.*

— Марказий шифохонамизга қарашли 15 та даволаш ва профилактика муассасаларида беморларга малакали тиббий хизмат кўрсатиш ва қулай шарт-шароитлар яратиш учун ички имкониятлардан тўла фойдаланишга ҳаракат қилаяпмиз, — дейди бош шифокор Д. Тўрақулов. — Айниқса, иситиш тармоқлари ҳамда совуқ ва иссиқ сув таъминоти тизимлари йил-ўн икки ой узлуксиз ишлаб туришини таъминлашга алоҳида эътибор бераётирмиз.

Дарҳақиқат, шундай. Ўзбекистон Мустақиллигининг 15 йиллиги байрамигача марказий шифохонага қарашли 5 та тиббиёт муассасасини капитал таъмирлаш ишлари жадал олиб борилмоқда. Жумладан, марказий поликлиникада 500 миллион сўм, тиббий-санитария қисми биносида 250 миллион сўм ва 1-болалар поликлиникасида 198 миллион сўмлик капитал таъмирлаш ишлари 1 сентябргача тугатилади.

Шаҳар маданият ва спорт ишлари бўлими қошида 10 та кутубхона, болалар санъат мактаби, шаҳар маданият уйи, ўлкашунослик музейи ишлаб турибди. Шунингдек, иккита клуб ва иккита маданият саройи, ўйингоҳ, сузиш ҳавзалари ва спорт майдонлари аҳоли хизматида. Кутубхоналарнинг китоб фонди қарийб 32 минг нусхага етди. Улар ўзининг икки мингга яқин доимий китобхонларига эга.

Олмалиқ шаҳрида спортнинг оммавий турлари кенг ривожланган. Барча замонавий анжомлар билан таъминланган мукаммал спорт базаси яратилган. Футбол, волейбол, теннис, стол тенниси, қўл тўпи, шахмат-шашка, оғир атлетика, кураш ва сув спорти турлари изчил ривожланиб бормоқда. Бу эса ўз навбатида Олмалиқ спортчилари нафақат вилоят, балки, республика, ҳатто, халқаро мусобақаларда ҳам доимо совринли ўринларни эгаллашлари учун мустаҳкам замин яратмоқда.

**Абдусамад ЙЎЛДОШЕВ, Мунаввара ИСОҚУЛОВА, «Тошкент ҳақиқати» мухбирлари.**

● Спорт ● Спорт ● Спорт ● Спорт ● Спорт ● Спорт ●



**Футбол бўйича Жаҳон чемпионати якунланган бўлса-да, унинг сўнгги ўйинлари ҳақидаги баҳс-мунозаралар тингани йўқ.**

# БАШОРАТ ТЎҒРИ ЧИҚДИ

Учинчи ўрин учун Германия ҳамда Португалия терма жамоалари ўртасидаги баҳс ўта кескин ва муросасиз беллашувларга бой бўлди. Ўйин давомида португаллар тўпни кўпроқ ўзларида ушлаб туришга уринишди. Аммо, майдон эгалари уюштирган ҳужумлар хавфлироқ тус олди.

Фикримизча, иккинчи бўлим Бастиан Швайстайгерга ўз маҳоратини тўлиқ намоён этиш имконини берди. 56-дақиқада у ўзининг ажойиб зарбаси билан немисларни олдинга олиб чиқди. Бир оздан сўнг Швайстайгер тепган жарима тўпини португалиялик ҳимоячи Петит ўз дарвозасига тўғирлаб қўйиб, автогол муаллифига айланди.

77-дақиқада Швайстайгер яна бир бор гол киритиб, учрашувдаги дублини нишонлади. Португалияликлар ўйин охирида рақибларига бир тўп билан жавоб қайтаришди.

Орзиқиб кутилган финал учрашувида Италия ва Франция терма жамоалари ўзаро рўбарў келишди. Учрашувни аргентиналик ҳакам Орасио Элисондо кузатиб борди. Ўйин бошиданоқ юқори тезликда ҳаракат қилган ҳар икала жамоа ҳам майдон марказини эгаллашга интилишди.

Французлар майдоннинг ҳар бир қаричи учун курашишди. 7-дақиқада италиялик ҳимоячилар Малудани жарима майдончаси ичида тўхтатиб қолгани учун ҳакам 11 метрлик жарима тўпини белгилади. Жарима тўпини Зидан қойилмақом тарзда бажариб ўз жамоасини олдинга олиб чиқди. Ҳужумга зўр берган италияликлар бурчак тўпини дарвозага моҳирона йўналтириб, мувозанатни тиклашди. Ўйин охирлагани сайин асаблар таранглаша бошлади. Элисондо кўп ҳолларда жиддий қўполликларга эътибор бермади. Италиялик футболчилар ўз жарима майдончаларида рақибларини қўли билан очиқчасига ушлаб қола бошлашди. Шундай вазиятлардан бирига Зидан чидаб тура олмади.

Ҳакам томонидан қўшиб берилган 4-бўлимда жавоб тўпи муаллифи Марко Матерецциға боши билан зарба берган Зидан майдондан четлатилди. Шундай қилиб, Зидан аргентиналик ҳакам Орасио Элисондонинг навбатдаги қурбонига айланди. Эслатиб ўтамиз, Элисондо чехиялик Уйфалоши, англиялик Уэйн Руни каби ўйинчиларни аввалги баҳсларда майдондан четлатган эди.

Ўз навбатида жамоа сардорининг майдондан четлатилиши бошқа ўйинчиларга руҳий зарба бўлди. Қолган вақтда дарвозаларга тўп киритилмади. Пеналтилар сериясида аниқ ҳаракат қилган италияликлар ўз тарихида тўртинчи маротаба жаҳон чемпиони деган номга сазовор бўлди.

Малайзиялик мунажжим Дэниэл Чаннинг башорати тўғри чиқди. Дэниэл ит йилида Бразилия ёки Италия терма жамоаси чемпион бўлишини таъкидлаган эди.

Таниқли француз футбол мураббийи Эме Жаке: «Мен учрашув бундай тус олади деб ўйламагандим. Французлар рақибларига нисбатан ҳам жисмонан, ҳам тактик жиҳатдан устун эди. Аммо италияликлар ўйиннинг боришини тубдан ўзгартириб юборишди», дея таъкидлади. Франция жамоасининг бош мураббийи Раймон Доменек эса италияликлар устидан бемалол ғалаба қозониш мумкинлигини, бироқ шу оқшом омад рақиблар томонда бўлганлигини айтиб ўтди.

**Отабек ЭЛТОЕВ, «Тошкент ҳақиқати» спорт шарҳловчиси.**



# ОЛТИН БУТСА КЛОЗЕДА

18-жаҳон чемпионати олтин бутсаси Германия терма жамоаси ҳужумчиси Мирослав Клозега топширилди. Клозе мазкур жаҳон биринчилигида 5 та гол уриб, энг сермаҳсул ҳужумчига айланди. У германиялик чарм тўп усталари ичида Герд Мюллердан сўнг жаҳон биринчилиги олтин бутсасини қўлга киритган иккинчи футболчига айланди.

**Отабек ТОҒАЕВ.**

# «ПАХТАКОР»НИНГ ЯНГИ МАРРАСИ

***Германиянинг Висбаден шаҳрида жойлашган Халқаро футбол тарихи ва статистикаси федерацияси (IFFHS) дунёдаги энг кучли 350 футбол клубининг 30 июнгача бўлган янги рейтинг жадвалини эълон қилди.***

Жадвалнинг дастлабки поғоналари Европанинг етакчи жамоалари – «Ливерпуль» (Англия), «Интер» (Италия) ва Европа чемпионлар лигасининг амалдаги ғолиби — «Барселона» (Испания) жамоаларидан ташкил топди.

Ўзбекистон чемпионати ва мамлакат кубоги соҳиби – Тошкентнинг «Пахтакор» жамоаси қирқ тўрт поғона юқорилади. Аввалги рўйхатда 170-ўринда қайд этилган пахтакорчилар миллий чемпионат ва кубок беллашувларида муваффақиятли тўп сураётгани туфайли Халқаро футбол тарихи ва статистикаси федерацияси мутахассислари «Пахтакор»ни 126-поғонага лойиқ кўрди.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ, ЎзА мухбири.**

## Шундан кейин

### СИҒИМИ ЎТА БАРАКАЛИ

Нанотехнологларнинг таъкидлашича бактериялар таркибидан ажратиб олинган оқсил ўта катта сиғимли оптик дисклар учун асос вазифасини ўташи мумкин.

Оддий компакт-диск ҳажмидаги бундай янги асос сиғими 50 терабайтни ташкил этиши тахмин қилинмоқда.

Олимлар оқсил дисклари бир йил ўтар-ўтмас савдога чиқарилиши мумкинлигини инкор этмаяптилар.

### ҚЎЙНИДАН ТЎКИЛСА ҚЎНЖИГА

АҚШнинг Канзас штатида яшовчи оилавий жуфтлик аъзолари парламентдаги бир ўринга даъвогарлик қилишмоқда.

Жефф Иппель республикачилар партияси номзоди, рафиқаси Пэм эса, демократлар вакиласи. Эр-хотиннинг айтишларича, уларнинг сайловолди дастурлари бир-биридан тубдан фарқ қилади.

Аммо бу номзодларнинг сиёсатчи рақиблари уларни тил бириктириб олган, деб ҳисоблашмоқда.

### АВВАЛГИЛАРДАН ҚУДРАТЛИРОҚ

Хитойда Long March C. ракета элтувчиси учун мўлжалланган двигателлар синови муваффақиятли якунланди.

Мамлакатнинг Ой дастурида фойдаланиш режалаштирилаётган ва суюқ ёқилғи (водород ва керосин аралашмаси) билан ишловчи ушбу двигателлар орбитага олиб чиқиладиган фойдали юк миқдорини уч баробар ошириш имконини беради. ХХР пилотсиз бошқариладиган зондни 2010 йилда ой сатҳига қўндиришни кўзлаяпти.

# ИРКУТСК ТЕАТРИ ТОШКЕНТДА

***Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат академик катта театрида Н.Загурский номидаги Иркутск мусиқали театри жамоасининг ижодий гастроли давом этмоқда.***

Ўзбекистон билан Россия ўртасида барча соҳаларда, жумладан, маданият ва санъат соҳасида ҳам алоқалар тобора мустаҳкамланиб бораётир. Бунда икки давлат раҳбарлари томонидан имзоланган ҳужжатлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Иркутск мусиқали театри жамоаси юртимизда бир ой давом этадиган гастроли мобайнида ўзининг ўн тўртта асарини намойиш этади. Улар орасида Исаак Дунаевскийнинг "Оқ қайин", Иоганн Штрауснинг "Минг бир кеча" каби асарлари бор.

**ЎзА.**

# ХОМТАМА

(Ҳажвия)

Бир пайтлар, томида лолақизғалдоқ очилган кўҳна уйлар бузилиб, уларнинг ўрнида ҳар бирига бир маҳалла жам бўладиган кўп қаватли уйлар қад кўтарди. Янги кўчиб келаётганлар минора уйларга қараб севинишар, қари-қартанглар «Худога яқин бўлдиг-ов» деб шукрона айтишарди. Кўч-кўронни кўтариб келган домдошлар қутига жойлашган гугурт донасидай, ўз хонадонларига жойлашиб олмоқда эди.

— Ҳовлида турганимизда Жар арикдан икки пақирлаб сув олиб чиқардим, ойимлар билан замбилда кўмир таширдик, дадам раҳматли оғриб қолганларида «скорий»чақириш учун телеграфга чопардим. Қўшнимизнинг уйига ўт тушгандачи...

— Мана, энди янги уйга кўчиб келиб, ҳаммасидан қутилдик, — деди хотинчамиз хурсанд бўлиб.

— Жуда соз, — дедим, — менга деса, энди мана шу темир-бетон уйда ялпайиб ўтиравер.

— Майли, жон-жон дейман, сиз ўша зах босган уйингизга капа тикиб ўтираверинг. Қани айтингчи, янги уйнинг нимаси ёмон экан?

— Улфатларимдан мосуво бўлдим. Ҳаммаси ҳар ёққа тарқаб кетди.

— Хафа бўлманг, шиша ичига кириб олган афсунгар сизга янги улфатлар топиб беради.

Қаранг, хотиннинг ақллиси ёмон бўларкан. Ўйлаб қарасам, ҳақиқатдан ҳам «шайтонсув» йигитларнинг хўрозини бирлаштирар экан. Хуллас, ёппасига уй тўйи бошланиб кетди. Қўшнилар билан танишиб олдик. Кўп ўтмай, улфатлар билан «гап» бошладик. Биз эркаклар ойда «гап есак», бойвучча ойимчаларимиз ҳар ҳафта «гап» ўйнайдиган бўлишди. Кеча янги уйга кўчиб келганлигимизнинг тўрт йиллигини нишонладик. Ўтириш зўр бўлди, тонготаргача ичибмиз, қўшнилар бир-бирларимизни ялаб-юлқаб роса рақс тушибмиз. Кенжа маҳмадонамнинг айтишича, мен фаррош Сакина опанинг супургисини от қилволиб, «той бола»га ўйин тушган эмишман, бўлмаган гап!

Худди шу пайт ҳовлидан эшак арава ҳайдаган норғул йигитнинг дағал овози эшитилди:

— Бўтилка пакупа... йем!

Шоша-пиша маҳмадана ўғлимни чақирдим.

— Сўрининг тагига қара-чи, бутилка турганмикан?

— Балоям йўқ!

— Нега йўқ бўлади, қаёққа кетибди?

— Тагида тупукдай арoқ қолган экан, тўквордим.

— Нега тўкасан, падарлаънат?

Ўжар бола ер тепиниб кулди:

— Ўзиззи сўкаяпсиз, ва-ҳа-ҳа! Арoқни тўкворіб, пулига бодроқ олдим.

— Мени хонавайрон қилибсан-ку, тиқилгур!

Жаҳл билан бош қашиб турган эдим, қўшнимизнинг ўғилчаси ҳовлиқиб кириб қолди:

— Амаки, тез бўлинг, сизни дадам чақиряптилар!

— Нозик меҳмон келганга ўхшайди, олдинроқ айтса бўлмасмиди, — дедим хафа бўлиб. — Жиян, сен бораверр, ҳозир кийиниб чиқаман.

Бола югуриб чиқиб кетди. Яқинда олган костюм-шимни кийиб, атир сепиб, бамайлихотир қўшнимникига кирдим. Ия, нима гап ўзи? Йўлакни қоп-қора туман босган, қўшнимнинг ланг очиқ эшигидан паровознинг буғи вишиллаб отиларди. Жон ҳолатда ўзимни ичкарига урдим.

Стулга чиқиб олган қўшним аранг кўринар, қувурдан вишиллаб отилаётган қайноқ буғни эски шим билан тўхтатишга уринарди.

— Вой бў-ў, қўшни нима бўлди? — дедим рўмолча билан оғиз-бурнимни беркитиб, — қувур ёрилибдими?

— Нега имиллайсиз, югуринг ЖЭКка, — деди қўшним қўполлик билан. — Яқинда ремонт қилдирган уйим куйди!

— Меҳмондорчиликка чақирибсиз, деб ўйлабман, кечирасиз, — дедимда ширкат идорасига ўқдай отилдим.

**Абдулла ИСОМИДДИН.**


**ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!**

**Ушбу ер майдонларини харидор сотиб олишдан бош тортганлиги сабабли, савдо натижаси бекор қилинди ва 2006 йил 18 июлдан бошлаб, «Respublika Ko'chmas mulk birjasi Toshkent viloyati filiali» савдолар залида ҳар сешанба куни соат 12.00 да ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қайтадан чиқарилади.**

1. Ангрен шаҳар ҳокимияти томонидан мерос қилиб қолдириш шарти билан умрбод эгалик қилиш мақсадида шахсий ёрдамчи хўжалик юритиш учун сотилиши белгиланган, Ангрен шаҳри, Янгиобод-2 қўрғони 14-даҳада жойлашган, сатҳи 0,06 гектар бўлган 1-ер майдони.

**Бошланғич баҳоси – 125 280 сўм.**

2. Қибрай тумани ҳокимияти томонидан мерос қилиб қолдириш шарти билан умрбод эгалик қилиш мақсадида якка тартибда уй-жой қуриш учун сотилиши белгиланган, Қибрай тумани, Матқобулов қишлоқ фуқаролар йиғинида жойлашган, сатҳи 0,04 гектар бўлган 14-ер майдони.

**Бошланғич баҳоси – 413 976 сўм.**

Ушбу ер майдонлари савдоларида қатнашиш учун ариза қабул қилиш савдо кунидан уч кун олдин тўхтатилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун 10 фоизлик закалат пулини қабул қилиш аукцион савдосидан бир соат олдин тўхтатилади.

**Имкониятингизни бой берманг!**

**Бизнинг манзил:** Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 19-уй, Тошкент вилояти ҳокимияти биносининг ўнг қаноти.

**Телефонлар:** 133-28-52, 133-77-18, 133-49-31, **факс:** 133-43-73.

Зангиота туманидаги 25-ўрта мактаб томонидан 2000 йилда Сулаймонов Зафар Асролжонович номига берилган O'R-Z 0873272 рақамли 9-синфни тугатганлиги тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Пскент туманидаги 14-ўрта мактаб томонидан 1993 йилда Саипова Гулчеҳра Рахматқуловна номига берилган 285494 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент вилояти хўжалик судининг 11-0622/4165-сонли ажримига асосан Қибрай туманидаги «LOVELI TULIP» масъулияти чекланган жамияти банкрот деб эътироф этилади.

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида Қибрай туман ДСИнинг 2-қават, 208-хонасида қабул қилинади.



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Телефонлар: Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48. Эълонлар: 133-90-82, 136-53-54.

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-942. Адади 3003. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Умид УБАЙДУЛЛО.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 20.45. 1 2 3 4 5